носит преимущественно творческий характер, то есть новаторский.

**SUMMARY**

The article argues that the interconnectedness and interaction of literature is an important factor in the development of artistic creativity, which can have a positive effect only if it is predominantly creative, that is, innovative.

## НАЗАР ЭШОНҚУЛНИНГ «ГЎР ЎҒЛИ ЁХУД ҲАЁТ СУВИ» РОМАНИ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

**К.Алламбергенов** – *филология фанлари доктори, профессор*
**Ҳ.Алламбергенов** – *филология фанлари бўйича фалсафа доктори*
*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** романтизм, реализм, маърифатпарварлик, модернизм, оқимлар ва ёндашувлар, замоновий узбек адабиёти.
**Ключевые слова:** романтизм, реализм, просвещение, модернизм, течение и подходы, современная узбекская литература.
**Key words:** romanticism, realism, enlighten, modernism, movements approaches, modern Uzbek literature.

Адабиёт майдони доимий янгиланиб борувчи жараёндир. Бу жараёнда янги куртаклар бўртиб боради – турли асарлар яратилади, янги бутоқлар – адабиётлар, йўналишлар пайдо бўлади. Ўзбек адабиёти ҳам асрлар мобайнида турфа йўналиш ва шакллар билан бойиб борди. Романтик, реалистик, маърифатпарварлик ҳамда модерн йўналиш ва оқимлардаги бадиий адабиёт дурдоналари билан гавҳару дур мисоли безалди. Замонавий ўзбек адабиётига эса янгича рамзий-фалсафий талқин ҳам кириб келди. Назар Эшонқулнинг «Гўр ўғли ёхуд ҳаёт суви» романини ҳам мана шундай типдаги асарлар қаторига киритиш мумкин.

Адабиётшунос олим И.Ёқубов «Бадиий-эстетик сўз сеҳри» тадқиқотида шундай ёзган эди: «Роман жанри тасвир кўламининг кенглиги, халқ ҳаётининг муайян даврини ҳар томонлама таҳлил эта олиш имкониятига эгалиги, мураккаб характерлар, инсоний тақдирларни ифода этишга қодирлиги жиҳатидан ҳар қандай давр ва миллат адабиётининг қиёфасини белгилайди. Бугунги ўзбек романчилигидаги шаклий-услубий ва ифодавий изланишларга назар солинса, жанр тараққиётида теран ички силжишлар содир бўлаётганлиги кўринади. Бу ҳол ҳаётий ҳодисалар ҳақидаги фикр салмоғининг ортишига, инсоний туйғулар ифодасига эътиборнинг кучайишига олиб келади» [2:123]. Дарҳақиқат, Назар Эшонқулнинг «Гўр ўғли ёхуд ҳаёт суви» романида янгича ифода услубини кузатамиз. Муаллиф XX аср охирлари ва XXI аср бошлари ўзбек насрида ўзига хос баён услуби ва оҳангига эга ижодкорлардан бири. Асарда мавжуд муҳитнинг чиркин ботқоғи таъсирида ўз қобиғидан чиқиб кета олмаган қаҳрамон тақдиридан ҳикоя қилинади.

Жаҳон адабиёти ривожи таомилларини ҳам ўзида намоён эта олган ушбу асарда мавжуд тузум тартиботларида ҳаёти издан чиққан қаҳрамон мисолида мавжуд муҳитнинг маънавиятдан йироқ бўлган, охири кўринмайдиган жиҳатлари, теварак-атрофдаги инсонларнинг ички ва ташқи қиёфаси, айрим идоралардаги мазмунсиз қоғозбозликлар ва унинг аянчли оқибати ёзувчининг ўзига хос рамзий-фалсафий ва психологик таҳлил маҳорати орқали бадиий талқин этилган.

Асарда қаҳрамонлар исмларининг фақат бош ҳарфларда ифодаланиши тасвирида ҳам жаҳон адабиётида худди шу йўналишдаги ижод намуналари таъсирини сезиш мумкин. Хусусан, Франц Кафканинг «Жараён» романи шулар жумласидандир. Назар Эшонқул романида бош қаҳрамон Н. ўз тақдири учун кураш олиб борса, Кафка романида мавжуд жараёнга қарши боришга ожиз бўлган бош қаҳрамон Йозеф К. тақдири ҳикоя қилинади.

«Гўр ўғли ёхуд ҳаёт суви» романи Н.нинг янги лавозимга тавсия қилиниш тасвири билан бошланган. У ўз соҳасининг устаси, ишини севган мутахассис. Раҳбарларнинг энг нозик ҳужжатларини тайёрлайдиган, маърузаларини ҳам ёзиб берадиган иқтидорли ходим. Романда турли хилдаги инсонларнинг турфа характерлари, руҳияти маҳорат билан намойиш этилган. Ҳар бир идорада ишловчи энг паст одамлар: лаганбардорлар ва ўша лаганбардорлиги орқасида раҳбарлардан «меҳр-мурувват» кутадиган шахслар образи ҳам бор бўй-басти билан реал аксини топган. Буни роман бош қаҳрамонининг лавозими ошганини эшитган ҳамкасблар хатти-ҳаракатидан ҳам англаш мумкин: «Раҳбар ҳар куни ҳам, ҳар кимни ҳам қабул қилавермайди, навбатсиз оҳорланиб-тартибланишингиз мумкин, бизга ҳали йўл бўлсин, – иккаласи ҳам Н.ни ўтирғизишга жой тополмасди. Ҳатто биттаси курсини енги билан артиб, унга Н.ни таклиф қилди» [1:3].

Шунингдек, уни бошлиқнинг хонасига чақиришганини эшитган сартарош ҳам унга лаганбардорлик қилади. Ҳатто бундан хабар топган айрим ходимлар ундан олдин сартарошхонага келиб, у билан гаплашишга, унга ёқишга ҳаракат қиладилар. Қабулхонада ҳам (ақлга сиғмас даражада) эшик тирқишидан бир қанча одамлар бу ишнинг охири нима билан тугашини кутиб пойлайдилар. Мантиққа зид равишда унинг ойна олдида турганини кўрган ва кўчадан ўтиб кетаётган одамлар ҳам бу масала хусусида суҳбатлашадилар.

Ҳақиқатдан ҳам, Н. атрофини, унинг ишлаётган корхонасини ҳам виждон ва одамийликдан узоқ бўлган одамлар ўраб олган. Чунки тасвирланаётган муҳит ўтган асрнинг мустабид тузум даврида кечаётганини ҳисобга олсак, ўша муҳитга айнан мана шундай кимсаларгина керак эди, холос. Жумладан, уни раҳбар қабулига чақиришганини эшитган хонадош ҳамкасби ҳам ўзини эмас, нега айнан Н.ни чақиришганини сира қабул қила олмайди. Аммо у зоҳири ва ботини мутлақо бир-бирига мутаносиб бўлмаган кишилар сирасидан. Буни унинг ичида ҳасади келаётган бўлса ҳам, билдирмасликка, аксинча, ўзини Н.га яқинроқ кўрсатишга уринишидан билиш мумкин: «Ичингизда дуо ўқиб олинг, деди унинг бироз бесаранжом бўлаётганини сезган хонадоши. Унинг ичидан ҳасад қилаётгани билиниб турарди, лекин айни пайтда Н.га ўзини жуда яқин олиб, эски қадрдонлардек тутаётган эди» [1:5].

Ёзувчининг ҳаёт ҳодисаларини асарда чуқур ёрита олгани ўз ишига масъулият билан қарамайдиган, қўл остидаги ходимларининг ижтимоий, маиший турмушидан бехабар айрим раҳбарликдаги одамлар шахсини ҳам маҳорат билан ёрита олганида ҳам намоён бўлади. Буни идорада ишловчи одамларнинг йиллаб раҳбарлари қабулига кирмаганликлари сабабли Н.га ўз илтимосларини етказишларини сўраб, унга қилган муносабатларида кузатиш мумкин.

Ўз ҳаётини йўлга қўйиш ва ҳам ҳаёти издан чиққан бир жувонни бахтли қилиш мақсадида унинг уйига борган Н. тасодифан газетада ўзининг ўлгани ҳақидаги мақолани ўқиб қолади. Эртасига ишга борганида ҳам барча ҳамкасблар уни арвоҳни кутиб олгандек қабул қилишади. Н.нинг ўзининг тириклигини исботлаш учун қилган барча ҳаракатлари бекор кетади. Ҳеч ким унга ишонмайди. Ҳамкасблари билан ўзини кўмиш учун қабристонга автобусда бирга боради. Қабр олдида умрида Н. билан бирор марта гаплашмаган раҳбарларнинг унинг одамийлиги, боодоблиги ҳақида гапирган нутқлари муаллифнинг асарда тасвирланаётган замон кишиларининг ва умуман,

одамзоднинг табиатидаги қусурларни аёвсиз фош этишидир.

Ҳамкасблар ҳам Н.нинг ўлмаганини, бу ерда қўпол хатога йўл қўйилганини билиб туриб, инсон тақдирининг бир пулга қимматлигини намойиш этадилар: «– Мен ҳеч нарса билмайман, – деди Т. жаҳл билан. – Биз кичик одаммиз. Ўлган деб буйруқ беришса, ўлганга чиқарамиз. Асли сизни бир ҳафта олдин котиба қизнинг айби билан ўлганлар рўйхатига қўшиб қўйишган, раҳбар имзо чекиб юборганди... У киши узоқни кўра оладиган киши, бир ҳафта ўтмай сизнинг ўлганингиз тасдиқланди».

У «Ҳаёт» газетасини излаб келади. Унинг вафот этгани ҳақидаги маълумотни ёзиб берган журналист билан учрашади. Муҳаррирнинг жияни эса унга ёрдам беришини айтади. Н.нинг иши ҳал бўлиши учун терговчига мурожаат қилиш лозимлиги ҳақида маслаҳат беради. Асар қаҳрамони бир ойдан ортиқ вақт терговчининг котибидан телефон бўлишини кутади. Қиш чиққунга қадар кирмаган идораси қолмайди: «Бора-бора унда қувват ҳам, ҳафсала ҳам қолмайди» [1:57].

Асарда Н.ни калта бўйли, думли одамчаларнинг кузатиш тасвири мавжуд. Кузатувчининг «калта бўйли» тарзда тасвирланишида ҳам ўзига хослик мавжуд. Ҳаётда бировларнинг ишига тумшуғини тиқиб юрадиган, кимнингдир ҳаётига оид нарсалар ҳақида бошқаларга маълумот етказиб юрадиган ёки қандайдир манфаатлар важидан гап ташувчи қилиғи паст одамларни муаллиф айни шакл билан уйғун тасвирлагандек.

Асарда жамиятдаги айрим чиркин иллатлар ҳам бадиий-рамзий ёки ғайритабиий шаклда ўз ифодасини топган. Турли идора ёки корхоналардаги эрталабдан кечгача бесамар қоғозларга кўмилиб ишда ўтирувчи, натижада, оиласи, фарзандига деярли вақт ажратолмайдиган айрим ходимлару мутахассислар ҳамда раҳбарлар фаолияти танқид қилинади. Зотан, оилада фақат иш ташвиши билан банд бўлган ота-онанинг фарзанди эртага юрт келажагига қандай равнақ қўша олади? Бу каби оилалар билан келажакка одимлаётган жамият равнақига ким кафолат беради? Шу маънода, китоб бундай кимсаларга нисбатан ўқувчида нафрат туйғусини уйғотади: «Билмадим, – деди ходим. – Мен анча йиллардан бери тепага кўтарилганим йўқ... Иш кўплигидан вақтимиз тежамли. Вақт етавермагач, ишхонанинг ўзида тунаб қоладиган бўлдик... Рафасни кўмишди. Мен у билан шу ердаёқ видолашиб қўя қолдим. Ишим кўп эди. Кўмиш маросимида қатнашолмадим... Рафаснинг камсуқум ўлимини раҳбарлар роса мақташди. «Ҳақиқий касбига содиқ инсонлар шундай бўлиши керак», дейишди [1: 84].

Асарда ҳаёт уммонидаги чигалликлар олдида боши қотган қаҳрамон руҳияти чуқур таҳлил қилинган. У давр ва жамиятнинг чиркин иллатлари олдида ожиз. Бу жамият бўшлиқдан бошқа нарса эмас: «У ўзининг доира ичидаги даҳлизга – зулмат қоплаган бўшлиққа чиқиб қолганини тушунди – шунда ҳаёт нақадар аянчли, деган фикр келди хаёлига» [1:87].

Н.нинг Қ биносидаги «саргузаштлари»дан сўнг шоир билан учрашув лавҳалари бошланади. Асарда номи келтирилмасдан, шоир дея кўрсатилган қаҳрамон тилидан келтирилган қуйидаги жумлалар уни собиқ тузум мафкурасидан қутулиб, янги давр ғояларини яратувчи киши сиймосида гавдалантиради: «Аслида ҳам шу вақтгача амал қилинган нарсаларнинг ҳаммаси сохта эди... Менинг қаҳрамонларим аксил одамлар. Улар бу дунёни йўқ қилиб, вайрон қилиб берадилар. Дунёда янги ишончни, янги Муҳаббатни, янги қаҳрамонни барпо қиладилар. Шу сабабли эски дунёга хос барча қалбларни синдиришим, у ерда аксил одамлар яратишим, нимаики эски бўлса, ҳаммасини вайрон қилишим керак. Шеърларимдаги ваҳм ва қўрқувлар шу мақсад йўлидаги илк қадамларим. Мен одамни қайта яратиш учун уни вайрон қилиш, йўқ қилиш керак деб биламан. Сўнг вайронани тозалаб, янги бино қуриш мумкин бўлади». Дарҳақиқат, эски тузум сарқитларидан қутулмагунча, янги ғоялар билан иш кўриш мумкин эмас. Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг таъкидлаганларидек, «Янги уйни қурмай туриб, эскисини бузма». Аммо шу каби янгича фикрларга эга бўлган шоир ҳам Н.нинг, балки асрлар давомида халқимизнинг қалб қўрида, кўнглида жимгина сақлаб келган бетакрор миллий урф-одатларию анъаналарига асраб-авайлаб келинган тимсолнинг мавжуд эканлигига шубҳа билан қарайди.

Асарда жонли характер сифатида изланган, аммо ҳеч бир нишони мавжуд бўлмаган терговчи тимсолидаги мавжуд тузумни қаҳрамон шунча уриниб ҳам топа олмайди. Бу тузум ютуқларини мақтаган, кўкларга кўтарган, аммо уни мутлақо топмаган қаҳрамон тимсолини шоир образида кўришимиз мумкин: «Сиз билмайсиз... Оҳ, билмайсиз... Бир умр унга ёқиш учун шеърлар ёздим. Китобларимни унга бағишладим. Унинг оғзидан чиққан фикрни достон қилдим... У эса қиё боқмади... Унинг битта дастхати ёки хайрихоҳлиги менинг келажагимни ҳал қилиб юборади... Ахир у кишининг дастхатини олганлар биринчи шоирлар қаторига қўшилишади».

Шу ўринда синчков китобхон кўз ўнгида Н. образи мавжуд тузумнинг ҳукмрон мафкураси ғояларига ишонган одамлар томонидан кўриб-билиб туриб тан ола билмаган асрий урф-одатларию миллий ўзлиги тимсолида ҳам қабул қилиниши мумкинлигини истисно қилмаслик керак. Буни Н.нинг ўрнига ишга қабул қилинган ва орадан ойлар ўтиб унинг уйига қоғозларини олиб келган ходимнинг сўзлари мисолида ҳам илғаш мумкиндек: «Афсуски, ўзимни сиз ўлмагансиз, деб қанчалик мажбурламай, барибир... гарчи, ўз кўзим билан кўриб турган бўлсам ҳам сиз тириксиз, деб тасдиқлай олмайман» [1:150]. Асарда қаҳрамонни, ниҳоят, ўлишга мажбур қилишади.

Романда жамиятдаги чиркин иллатлар, давр журналистикадаги иллатлар рамзий-ҳаётий кўрсатиб берилган. Муаллиф бу дунёда турфа хил тақдирлар яратилиши, турфа хил одамлар билан дуч келиш мумкинлиги, шу билан баробар, ҳаётда юзингга кулиб қараб, аммо зоҳиран бошқа қиёфадаги одамлар мавжудлигини кўрсата олган. Бундай одамлар табиатида ёлғон ва ҳасад, мужмаллик ва қабиҳлик асосий характерга айланган. Муаллифнинг таъкидланганидек, «ёлғон бу дунёга кўнгил қувончи, шавқи, завқи қилиб жўнатилган. Ёлғон одамдан, одамзотдан кўра кучлироқ салтанат, одамзотни қириб ташлаш, йўқ қилиш мумкин, лекин ёлғонни йўқ қилолмайди, чунки у қалб ўйини, қалб ҳарами, қалб қароргоҳи…»

Асарда номи келтирилган ягона аёл Ҳавонинг номланишида ҳам рамз бор. Роман билан танишган зийрак китобхон бундай енгил табиатроқ аёлнинг ҳаётида маъно-мазмун бўлмаслиги, унинг умри худди ўткинчи шамоллар каби бўш-баёв – ҳаводек бўлишига ишора янглиғ қабул қилади.

**Адабиётлар**

1. Назар Эшонқул. Гўр ўғли ёхуд ҳаёт суви (роман). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018.
2. Ёқубов И. Бадиий-эстетик сўз сеҳри. – Тошкент: «ТДПУ», 2011.

**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада Назар Эшонқул "Гўр ўғли ёхуд ҳаёт суви" романи таҳлили келтирилган. Мазкур роман замонавий ўзбек адабиётининг машҳур бадиий асарлардан бири хисобланади, жумладан таҳлил рамзий - фалсафий ёндашув асосида олиб

борилган.

**РЕЗЮМЕ**

Статья представляет анализ романа Назара Эшонкула “Гур угли и источник жизни”. Роман является одним из известных литературных произведений современной узбекской литературы и анализ был проведён на основе символично-философическому подходу.

**SUMMARY**

The given article deals with literary analysis of the novel «Gur ugli yokhud khayot suvi» (Gur ugli or source of water) by Nazar Eshankul. The novel is one of the notable work of modern Uzbek literature and the analysis was done under the symbolic-philosophical approach.

**Зульфия – 106**

## ЗУЛЬФИЯ - МУҚАДДЕС ЎАТАН ТУЙҒЫСЫ ЖЫРШЫСЫ …

**К.Алламбергенов -** *филология илимлериниң докторы, профессор*
*Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты*

**Таянч сўзлар**: Зульфия поэзияси, ўзгачалик хусусиятлари, Зульфия ва Шарқ поэзияси, Деҳли, Африка-Осиё ёзувчилари конферецияси, Ватан, Она юрт мавзуси, давр нафаси, Зульфия ва қорақолпоқ адабиёти.

**Ключевые слова:** поэзия Зульфии, особенные качества, Зульфия и Восточная поэзия, Дехли, конференция писателей Африки и Азии, Родина, отчизна, дух времени, Зульфия и каракалпакская литература.

**Key words:** Zulfiya’s poetry, special features, Zulfiya and Eastern poetry, Delhi, Africa-Asia writers’ conference, Motherland, birthplace, spirit of the time, Zulfiya and Karakalpak Literature.

Өзбекстан халық шайыры, қатар халық ара сыйлықлар лауреаты Зульфия Исраилова XX ҳәм XXI әсирдеги бир тутас өзбек әдебиятының белгили тулғаларынан саналады. Себеби, Зульфияның поэзиясында лирикалық сезим менен публицистикалық мазмун терең байланысып, биринши орында ҳалықтың мәпи шайыраның нәзик сезимлери арқалы жырланады. Шайыраны өз дәўириниң өшпес жулдызы болды, десек қәтелеспеймиз. Бул теңеў асыра силтегенлик емес. Себеби, бүгинги күни буған жетерли тийкарлар баршылық, яғный оның дөретиўшилигиндеги терең реализм, жоқары дәрежедеги көркем шеберлик, поэзияның өз ишиндеги жанрлық көптүрлилик, соның менен бирге, психологизм, драматизм терең байланысы Зульфия шығармаларының ҳәр қандай сын талқысынан беккем өтиўине мүмкиншилик береди [2:92-94].

Индиялы белгили шайыр, жазыўшы ҳәм сыншы Биплаб Мажи 1970-жылы Индияның Деҳли қаласында өткерилген 4-Африка-Азия Жазыўшыларының конференциясында қатнасып, Зульфия Исраилова менен ушырасты ҳәм оның поэзиясы менен танысып, шайыра ҳаққында өзиниң «Китап дүньясы» газетасына усы жылы берген интервьюинде шайыраның жаслық дәўириндеги ғайратлы поэзиясын еслеп «мениң нәзеримде Зульфия Өзбекстанның әтир гүли еди» деп жоқары дослық баҳасын береди.

Әжайып талант ийеси Зульфия қайсы темада шығармалар жазбасын, оларды ҳадал ҳәм таза жүрегинен ҳаяллық-аналық сезимлеринен өткерип, айрықша бир азаматлық жәнe инсаныйлық көтериңкилик пенен йошып жырлайды. Өйткени, шайыраның қәлби, көкиреги толы пәк ҳәм таза, пикирлери кең қулашлы, ойлары тереңге жатырғанлығын сезиў қыйын емес. Сонлықтан болса керек, шайра өз туўылған жери, әзийз Ўатанын жырлар екен бул туйғыны өз Анасы менен қатар қойып сүўретлейди. Ол туўылған жер ҳаққында ойлар екен, шайыраға өз журтындағы ҳәр қандай экзотикалық көринислерден де бурын анасының меҳирли ҳәм нурлы келбети елеслейди. Бундай сыпатларды шайыра көплеген қосық қатарларында анық көрсеткен. Мысалы, оның «Мениң таңым» ҳәм «Мениң Ўатаным» қосығына нәзер салайық:

*Бала ойларымды Ўатан деп билдим*
*Ҳәм көзди жайнатқан сулыў бағыңды.*
*Тилим сөзин тапты, көзим-зияны,*
*Меҳин ҳәм ерк пенен жасадым сонда.*
*Бүгин халқым менен байрамға барып,*
*Күшли қолларыма аламан сазым,*
*Саған әзийз Ўатан, саған ана журт,*
*Меҳриң,ышқың менен толған пәрўазым* [1].(«Мениң Ўатаным»)
*Ана топырак дем алып жатыр,*
*Алып түнги қүдиретли күшин.*
*Мениң таңым жүректе атар,*
*Жақсы қосық жазылмақ ушын* [1]. («Мениң Ўатаным»)

Шынында да, шайырдың терең толғанғанындай, ўатан ана менен теңдей бирлик саналады. Себеби, ана болмаса инсанға да, басқа жанлы мақлуққа да туўылған жер де, ана ўатан да жоқ деген сөз.

Шайыраның Ўатан ҳаққында ой-сезимлери оның «Шығыс өзи ана болған әзелден» атлы қосығында айрықша көтеринкилик пенен жаңа формада (сарбастта, верлибрде) жырланады:

*Мен еле сиз бенен бармадым Афрасиябға.*
*Бабалар даңқын етип гүрриңлер*
*Мың өлим,*
*Мың зулым,*
*Мың тыйықлы қылыштан*
*Аман алып шыққан халқым гәўҳарым*
*Мақтаныш меҳир менен берип зор пардоз.*
*Сизге жарқыратып көрсете алмадым.*
*Бул топырақ үйимиз,*
*Бул дүнья нанымыз,*
*Бул қуяш жанымыз,*
*Биракта бир сарай*
*Мақтанышымыз* [1].
*…Өзбек-өзине бек!*
*Деген атақты*
*Жаратқанның өзи берип қойыпты*
*Ғәрремлик болмас па, бул әзиз атты*
*Қул болғанбыз деп елди кемситиў!*
*Қәте, қәте!*
*Басын таж,*
*кеўиллерде жарқын нур билип,*
*Ардақлаймыз мақтанышымызды.*
*Тарийх гүўа,*
*Неше заман,*
*әсирлер,*
*Не көзлерден асырап*
*Қалдық бул елди,*
*Сиз биреўге*
*жалтақ*
*қул деген сөзлердиң*
*Тамырына урың ҳүждannaн балта*
*Билиң,*
*Кәмил,*
*Дана,*
*Дүня жулдызларына*
*Шығыстың өзи ана болған әзелден…*[1].

Мине, шайырдың туўылған жерди көклерге көтериўши усындай романтикаға толы қатарлары оқыўшыны айрықша толғандырады ҳәм жағымлы көринеди, булардың барлығы киндик қан тамған топы-